

МИЛЛИЙ ТЎЛОВ ТИЗИМИНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

Нармаматов Ихтияр Бахтиярович

*Ахборот технологиялари ва менежмент университети “Иқтисодиёт”
кафедраси доценти*

normamatovixtiyor@gmail.com

Аннотация: Марказий банк томонидан тўловлар ва тўлов тизимлари соҳасида ягона ахборот-ҳуқуқий муҳитни яратиш, тўлов хизматлари бозорини самарали тартибга солиш, тўлов тизимлари, тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини провайдерлари фаолиятини таъминлаш, оммавийлик ва шаффофликни ошириш. Тўлов хизматлари, шунингдек, электрон пуллар соҳасидаги муносабатлар ҳамда электрон пул тизими иштирокчилари фаолиятини такомиллаштириш бўйича бир қатор амалий ишлар амалга оширилмоқда.

Мақолада Ўзбекистон Республикасида замонавий тўлов ва тўлов тизимларини кенг жорий этишни таъминлаш билан боғлиқ долзарб муаммолар белгилаб берилган ва уларни ҳал этиш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: *Тўловлар, тўлов тизимлари, электрон пуллар, ахборот ва алоқа, криптовалюта, эмитент ликвидлиги, аккредити, қопланган аккредитив, банк активлари.*

МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ПРИНЦИПЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ СТАБИЛЬНОСТИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ПЛАТЕЖНОЙ СИСТЕМЫ

Нармаматов Ихтияр Бахтиярович

*Доцент кафедры «Экономика»
Университета информационных технологий и управления*

normamatovixtiyor@gmail.com

Аннотация: Создание Центральным банком единой информационно-правовой среды в сфере платежей и платежных систем, эффективного регулирования рынка платежных услуг, функционирования платежных систем, операторов платежных систем и поставщиков платежных услуг, повышения популярности и прозрачности платежных услуг, а также отношений в сфере

электронных денег и проводится ряд практических работ по совершенствованию деятельности участников системы электронных денег.

В статье определены актуальные проблемы, связанные с обеспечением широкого внедрения современных платежей и платежных систем в Республике Узбекистан, и разработаны научные предложения по их решению.

Ключевые слова: *Платежи, платежные системы, электронные деньги, информация и связь, криптовалюта, ликвидность эмитента, аккредитив, покрытый аккредитив, банковские активы.*

METHODOLOGICAL PRINCIPLES FOR ENSURING STABILITY OF THE NATIONAL PAYMENT SYSTEM

Narmamatov Ikhtiyar Bakhtiyarovich

Associate Professor, Department of Economics, University of Information Technologies and Management

normamatovixtiyor@gmail.com

Abstract: Creation by the Central Bank of a unified information and legal environment in the field of payments and payment systems, effective regulation of the payment services market, the functioning of payment systems, payment system operators and payment service providers, increasing the popularity and transparency of payment services, as well as relations in the field of electronic money and A number of practical works are being carried out to improve the activities of participants in the electronic money system.

The article identifies current problems associated with ensuring the widespread implementation of modern payments and payment systems in the Republic of Uzbekistan, and develops scientific proposals for solving them.

Key words: *Payments, payment systems, electronic money, information and communication, cryptocurrency, issuer liquidity, letter of credit, covered letter of credit, banking assets.*

КИРИШ

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш бўйича чоратадбирларни изчил амалга ошириш орқали нақд пулларнинг банкдан ташқарида муомалада бўлишини қисқартиришга эришилди, тўловларни амалга ошириш жараёни сезиларли даражада осонлаштирилди, масофавий банк хизматларини кўрсатиш тизимларининг функционали кенгайтирилди.

Хусусан, чакана тўловларни қайта ишлаш бўйича давлат процессинг марказининг мавжуд эмаслиги миллий тўлов тизимининг хавфсизлиги

даражасини камайтирмоқда, тўлов инфратузилмасининг ягона интеграллашувига эришиш имконини бермаяпти ҳамда бир монополь тизимнинг мутлақ устун бўлишига олиб келмоқда [1].

Тўлов тизимлари операторларининг фаолияти қонунчилик даражасида тартибга солинмаганлиги уларнинг ривожланишини чекламоқда ва мазкур тизимларнинг ишончли ишлашига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Миллий тўлов тизимлари орқали ўтадиган пуллик тўловларнинг узлуксизлигини таъминлаш масаласини принцип даражасига олиб чиқиш керак. Чунки, тўловларни амалга оширишнинг кечикиши ва айрим ҳолларда, умуман амалга ошмай қолиши мамлакат банк тизимида флотнинг микдорини кескин ошишига олиб келади. Бу эса, пул тизимининг ҳолатига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради.

Тўловларни тўловчининг розилиги асосида амалга ошириш дунёнинг қатор мамлакатларида, биринчи навбатда, тараққий этган мамлакатлар амалиётида нақдсиз пул айланмасини ташкил қилишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Фақат суднинг қарорига асосан тўлов тўловчининг розилигисиз амалга оширилади.

Иқтисодий пул маблағлари билан таъминланганлик масаласи миллий тўлов тизимларининг барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Кочергин Д.А., Янгирова А.И. томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот натижалари кўрсатдики, монетизация даражаси М4 пул агрегати бўйича 50 фоиздан юқори бўлган мамлакатларда инфляция даражаси, одатда, 10 фоиздан ошмайди, реал фоиз ставкаси эса, 1,5-5,0% даражасида бўлади. Монетизация даражаси паст бўлган, яъни 20 фоизгача бўлган мамлакатларда инфляция даражаси нисбатан юқори бўлиб, реал фоиз ставкаси салбий бўлади ёки паст даражада бўлади [2].

Халқаро ҳисоб-китоблар банки томонидан ишлаб чиқилган ва тараққий этган мамлакатларнинг амалиётига тўлиқ жорий этилган тизимли аҳамиятга эга бўлган тўлов тизимлари учун таянч принциплари ривожланаётган мамлакатларнинг тўлов тизимига тўлиқ жорий этиш миллий тўлов тизимларининг барқарорлигини таъминлашнинг муҳим методологик асосларидан бири ҳисобланади.

Хорижлик иқтисодчи олимлардан Усоскин В.М., Шеремят А., Сайфуллин. Р. ларнинг миллий тўлов тизимларининг барқарорлигини таъминлашда кредит пулларида тўловларни амалга оширида фойдаланиш ва тартибга солиш, ягона ахборот ҳудуди имкониятлари доирасида бозор иштирокчиларининг

ҳаражатларини оптималлаштириш, пулларнинг иқтисодиётда пул капитали сифатида ҳаракатланиш операцияларини амалга оширишда капиталлар бозорини назорат қилишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Иқтисодчи олимларнинг иқтисодиётда амалга ошириладиган тўловларнинг узлуксизлигини таъминлашда тижорат банкларининг вакиллик ҳисобрақамларидан фойдаланишда банкларнинг ликвидлилик даражасини ҳисобга олиш тавсия этилади.

МЕТОДОЛОГИЯ

Ушбу тадқиқотнинг мақсади миллий тўлов тизимларининг барқарорлигини таъминлашнинг методологик ва амалий асосларини такомиллаштириш, унда замонавий иқтисодий тизимнинг аҳамиятини таҳлил қилиш, уни янада ривожлантириш ва шакллантириш йўналишларини аниқлашдир. Мавзуни илмий ўрганиш, статик таҳлиллار, мантиқийлик, таҳлил ва тадқиқ этиш жараёнида турли хил адабиётлар ва мақолалар таҳлилидан фойдаланилган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

“Ўнлик мамлакатлар” гуруҳига (Бельгия, Буюк Британия, Германия, Италия, Канада, Нидерландия, АҚШ, Швеция, Франция, Япония) аъзо мамлакатларнинг марказий банклари 1992 йилда 1990 йилда “Ички тўлов тизимларининг минимал умумий кўрсаткичлари” мавзусидаги маърузани тайёрлашди ва ушбу маъруза Халқаро ҳисоб-китоблар банки томонидан 1992 йилда эълон қилинди[3]. Маърузани тайёрлаш гуруҳи раҳбари А.Ламфалусси бўлганлиги сабабли ушбу ҳужжат Ламфалусси стандарти деб номланади.

Мазкур Ҳужжатга мувофиқ:

- ҳар бир давлат соф асосга эга бўлган ҳисоб-китоблар тизимига эга бўлиши керак;
- мазкур тизимлар ҳисоб-китобларни марказий банклардаги счётлар орқали амалга оширишлари лозим;
- ҳисоб-китоблар тизими Ламфалусси стандарти талабларига тўлиқ жавоб бериши керак

Ламфалусси стандартининг асосий талаблари [4]:

- талабларни ўзаро воз кечиш механизмлари барча юрисдикцияларда яхши асосланган ҳуқуқий базага эга бўлиши лозим;
- талабларни ўзаро воз кечиш механизмнинг иштирокчилари ўзаро воз
- кечиш жараёнидаги молиявий рискларга аниқ механизмнинг таъсирини аниқ билишлари керак;

- кўп томонлама ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида кредит рискин ва ликвидлилик рискин бошқаришнинг аниқ шакллантирилган жараёнлари мавжуд бўлиши зарур. Ушбу жараёнлар барча томонлар учун мазкур рискларни бошқариш имконини бериши ва кредит рискиннинг энг юқори даражасини белгилашни кўзда тутиши керак;

- кўп томонлама ўзаро ҳисоб-китоблар тизими аъзоликнинг объектив ва умумэътироф этилган мезонларига эга бўлиши лозим;

- ўзаро ҳисоб-китобларнинг барча механизмлари техник тизимларнинг операцион ишончилигини таъминлаши ва тўловларни қайта ишлашга бўлган эҳтиёжни тўлиқ қондириши зарур. Тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш масаласи миллий тўлов тизимларининг асосий методологик масалаларидан бири ҳисобланади.

Базель кўмитасининг тавсиясига кўра, тижорат банкларининг ликвидлигини баҳолашда 4 турдаги ликвидлилик кўрсаткичларидан фойдаланилади:

1. Лаҳзали ликвидлилик коэффиценти.
2. Жорий ликвидлилик коэффиценти.
3. Ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффиценти.
4. Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти.

Ғарбий Европа мамлакатлари амалиётига 2010 йилда Базель-III стандарти жорий қилинди. Ушбу стандартда тижорат банкларининг ликвидлигини баҳолаш бўйича янги кўрсаткичлар таклиф қилинди (1-жадвал) [5].

Тижорат банкларининг ўзаро горизонтал вакиллик ҳисобрақамларига эга эмаслиги тўловлар ҳажмини оширишга тўсқинлик қилади ва тўлов айланмасини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

1-жадвал

Базель-III стандартида тижорат банкларининг ликвидлигини баҳолаш бўйича таклиф қилинган янги кўрсаткичлар¹

Кўрсаткични номи	Ҳисоблаш методикаси	Меъёрий даражаси, %
Капиталнинг химоявий «консервасия «буфери»	(Биринчи даражали капитал х 2,5%): 100	2,5
Ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффитсиенти	Юқори ликвидли активлар : Кейинги 30 кун ичидаги соф чиқим	100
Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти	Барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммаси : Барқарор молиялаштиришнинг зарур суммаси	100

¹ Inter-Institutional Monitoring Group. Final Report Monitoring the Lamfalussy Process (Brussels, 15 October 2014)/Press: IP/07/1495.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадик, Базел-III стандартида тижорат банкларининг ликвидлилигига ва тўловга қобиллигига нисбатан талаблар кескин оширилган. Капиталнинг ҳимоявий консервация буферини ва контрциклик буферни шакллантирилиши ва соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффициентининг жорий етилиши тижорат банкларнинг тоъловга қобиллигини сезиларли даражада ошириш имконини берса, ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффициентининг жорий қилиниши банкларнинг ликвидлилик даражасини оширишга хизмат қилади.

Хорижий банклар билан вакиллик муносабатлари ўрнатишда хорижий банкларнинг хизмат кўрсатиш хусусиятларига эътибор қаратиш муҳим ўрин тутди. Масалан, АҚШ ва Японияда банклар ихтисослаштирилган ва инвестицион банкларга ажралган. Европада эса - универсал банклар [6].

Хорижий валютадаги тўловларни ўз вақтида ортиши хорижий вакил банкнинг етарли даражада ликвидли бўлишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам, Базел қўмитаси тижорат банкларининг хорижий банклардаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамининг қолдиғига 20% риск даражасини берган. Бу эса, айнан, хорижий банкда ликвидлилик муаммосининг юзага келиши натижасида тўловларнинг кечикиши билан боғлиқдир [7].

Агар тижорат банки хорижий банклар билан икки томонлама вакиллик муносабатларига эга бўлса, у ҳолда, хорижий банк ва унинг мижозлари фойдасига амалга оширилаётган тўлов суммаси ушбу банкнинг “Востро” вакиллик ҳисобрақамига кирим қилинади. Натижада, банкнинг “Ностро” вакиллик ҳисобрақаида ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмайди [8].

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси Ягона банклараро электрон тўлов тизимида тизим иштирокчиларининг бирида ликвидлилик муаммосини юзага келиши натижасида юзага келган узилишни тезкор қўллаш имконини берадиган заҳира механизми мавжуд эмас. Бу эса, тўловларнинг узлуксизлигини таъминлаш ва тизимнинг ликвидлигини таъминлаш учун таянч принципларни тезроқ қабул қилиш заруриятини юзага келтиради.

Тўлов тизимининг юқорида қайд этилган заҳира механизми Марказий банкнинг овердрафт кредитлари билан узвий боғлиқликда қўлланиши керак, деб ҳисоблаймиз. Бунинг сабаби шундаки, республикаимиз тижорат банкларининг миллий валютадаги ягона “Ностро” вакиллик ҳисобрақаи Марказий банкнинг балансида очилган. Бу эса, Марказий банк томонидан тижорат банкларини тезкор равишда овердрафт шаклида кредитлаш имконини беради. Аммо бунинг учун тижорат банки етарли даражада ликвидли бўлиши лозим [9].

Ўз навбатида, тижорат банкларининг ликвидли бўлиши ички ва ташқи омилларга боғлиқ бўлиб, мазкур омилларни бошқариш банк тизимида ликвидлик рискинни чуқурлашишининг олдини олиш керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Тошкент шаҳри, 2018 йил 19 сентябр
2. Кочергин Д.А., Янгирова А.И. Центробанковские цифровые валюты: //Финансы: теория и практика. – Москва, 2010. – №4. – С. 81.
3. The High-Level Group on Financial Supervision in the YeU (Chaired by Jacques de Larosière). Report//http://ec.europa.eu/internal_market/finances/docs/de_larosiere_report_en.pdf.
4. Payment systems. www.bis.org
5. Inter-Institutional Monitoring Group. Final Report Monitoring the Lamfalussy Process (Brussels, 15 October 2014)//Press: IP/07/1495.
6. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: Управление и операцион. – М.: ЛЕНАНД, 2010. – С. 139.
7. Шеремят А., Сайфиллин Р. Методика финансового анализа предприятия. – Москва: ЮНИ-ГЛОБ, 2010. – С. 115.
8. Central Banks and Distributed Ledger Technology: How are Central Banks Exploring Blockchain Today. World Economic Forum's White Paper. 2019. – R. 5.
9. Zaynalov, R., Normamatov I. B. Journal is organized by INNOVATIVE SCIENCE PUBLISHING (Germany), Ballindamm 39 20095 Hamburg, Germany Vol. 1 No. 8 (2022): Web of Scholars : Multidimensional Research Journal . December 15, 2022
10. Дйдин С. А. Платежные системы: базовые категории, классификация, направления развития//Вестник НГУЕУ, 2012. – № 3. – С. 230-236.
11. Muzaffarova, K. Z., & Abdukarimov, X. R. (2023). Xorijiy investitsiyalarni jalb yetishda tijorat banklarining faolligini oshirish asoslari. *Gospodarka i Innowacje.*, 473-478.
12. Muzaffarova, K. Z., & Eshmurodova, S. U. (2023). Iqtisodiyotning rivojlanishida tijorat banklarining investitsion faoliyatining ahamiyati. *Gospodarka i Innowacje.*, 371-376.
13. O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankining 2023 yildagi faoliyati to'g'risida hisobot (B. 58-59)//www.cbu.uz.
14. Pul-kredit siyosati//www.cbu.uz.